2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 16 (805), 2023 йил 25 январь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 январь куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилишида иштирок этган Туркия, Туркманистон, Озарбайжон, Эрон ташқи ишлар вазирлари ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти раҳбарларини қабул қилди.**





Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли билан учрашувда Ўзбекистон — Туркия кенг кўламли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида ташқи ишлар вазири Чавушўғли Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Давлатимиз раҳбари олий даражадаги мунтазам ва сермаҳсул мулоқотлар кўп қиррали ҳамкорликнинг жадал ривожланишига хизмат қилаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ошмоқда, ўтган йилда 370 та янги қўшма корхона ташкил этилди. Икки мамлакат ўртасидаги авиаташувлар сони кўпаймоқда.

Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида, шу жумладан, саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида янги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Кўп томонлама тузилмалар, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов билан 2022 йилнинг 14-15 июль кунларидаги Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ва 21-22 октябрь кунларидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркманистонга расмий ташрифи давомида эришилган олий даражадаги келишувларни амалга ошириш жиҳатлари муҳокама қилинди.

Суҳбат аввалида вазир Рашид Мередов Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ва Халқ Маслаҳати Раиси, Миллат Етакчиси Гурбангули Бердимуҳамедовнинг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Туркманистон стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиёт, савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қатор қўшма тадбирлар — Ҳукуматлараро комиссия, Сув хўжалиги масалалари бўйича қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишлари, ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар, маданий ва бошқа тадбирлар ўтказилиши таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Бўлажак учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов давлатимиз раҳбари билан учрашув аввалида Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг самимий саломи ва тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Олий даражадаги келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзаро савдонинг ошиб бораётгани, автомобиллар ишлаб чиқариш, пахта-тўқимачилик ва ипакчилик кластерларини ташкил этиш борасидаги кооперация лойиҳаларининг бориши мамнуният билан қайд этилди.

Бундан ташқари, нефть-газ ва кимё саноати бўйича йирик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Қўшма инвестиция фонди ташкил этилмоқда.

Халқаро ва минтақавий тузилмалар, шу жумладан, Туркий давлатлар ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Бўлажак олий даражадаги учрашув ва тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳусайн Амир Абдуллаҳиён бошчилигидаги делегация билан учрашувда Эрон ташқи сиёсий идораси раҳбари Ўзбекистон етакчисига Президент Иброҳим Раисийнинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Эрон Президентининг ўтган йил сентябрь ойида Ўзбекистонга амалга оширилган расмий ташрифи давомида эришилган келишувлар икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратгани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси ўзаро мулоқотлар фаоллашгани, савдо изчил ошиб бораётгани ва етакчи корхоналарнинг кооперацияси кучайганини мамнуният билан қайд этди.

Транспорт ва логистика соҳаларидаги ҳамкорликни илгари суриш, жумладан, Чобаҳор ва Бандар-Аббос портларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак тадбирлар режаси кўриб чиқилди, халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Хусрав Нозирий билан минтақавий ўзаро боғлиқликни янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди.

Бош котиб давлатимиз раҳбарини Ўзбекистоннинг Ташкилотга муваффақиятли раислиги билан табриклади. Савдо, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, энергетика, туризм ва бошқа йўналишларда илгари сурилган муҳим ташаббуслар ва ўтказилган тадбирлар ИҲТ доирасидаги амалий ҳамкорликка кучли суръат бағишлагани таъкидланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг Ташкилотга аъзо мамлакатлар билан товар айирбошлаши 70 фоизга ўсгани, қўшма корхона ва лойиҳалар сони эса 5 баробарга кўпайгани мамнуният билан қайд этилди.

Ташкилотнинг навбатдаги саммитини жорий йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказишга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилмоқда.

Бўлажак тадбир кун тартибини пухта тайёрлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашув якунида Бош котиб Хусрав Нозирий Ташкилот котибияти ИҲТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасида яқиндан биргаликда ишлашга тайёрлигини билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубаничбек Омуралиев билан учрашувида Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига раислиги доирасидаги устувор вазифалар ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Бош котиб Ташкилот ривожида янги даврни бошлаб берган тарихий Самарқанд саммити натижаларини юксак баҳолади.

Савдони ва божхона тартиботларини соддалаштириш, Инвестиция фондини ташкил этиш бўйича битимлар имзоланди.

Самарқанд "Туркий цивилизация пойтахти", деб эълон қилинди. Илк бор Алишер Навоий мукофоти топширилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Халқаро туркий маданият ташкилотининг тўлақонли аъзоси бўлди.

Ўзбекистон ташаббуси билан 2023 йил "Туркий цивилизациянинг юксалиш йили", деб эълон қилингани мамнуният билан қайд этилди.

Раисликнинг институционал ислоҳотни амалга ошириш "янги иқтисодий имкониятлар макони"ни яратиш, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш каби устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида Бош котиб Ташкилот доирасидаги шериклик салоҳиятини амалда рўёбга чиқариш мақсадида яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

**ЎзА**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ҚИРҒИЗИСТОНДА БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 26-27 январь кунлари давлат ташрифи билан Қирғизистонда бўлади.**

Икки мамлакат етакчиларининг учрашувлари Бишкек шаҳрида бўлиб ўтади.

Олий даражадаги музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон — Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган.

Ўзаро савдони кўпайтириш, саноат кооперацияси дастурларини қўллаб-қувватлаш ва минтақавий инфратузилма лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилади.

Саммит якунида икки томонлама салмоқли ҳужжатларнинг қабул қилиниши кўзда тутилган.

**ЎзА**

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" ГАЗЕТАСИ УЧУН МАХСУС

## Ўзбекистон – Қирғизистон: БИРГАЛИКДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ САРИ

**Ўзбеклар ва қирғизлар азал-азалдан ёнма-ён, тинч-тотув яшаб келаётган яқин қўшни, қардош халқлардир. Икки халқнинг тарихи бир, маданий ва диний қадриятлари, анъана ва урф-одатлари муштарак.**

Давоми 2-бетда

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

## ХАЛҚЧИЛ ПРОФЕССИОНАЛ ТУЗИЛМА

### маънавий юксаклик, касбга садоқат ва фидойилик билан шаклланади

**Президентимизнинг жорий йил 20 январдаги "Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазмунига тўхталишдан олдин, ушбу ҳужжатнинг юзага келиш тарихи, зарурати ҳамда аҳамиятига қисқача тўхталиб ўтсак.**

**Давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, энг асосийси, бугунги ислоҳотлар бош мақсади бўлган — инсон қадрини қарор топтириш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.**

Давоми 3-бетда



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ГАЗЕТАСИ УЧУН МАХСУС

# Ўзбекистон – Қирғизистон: БИРГАЛИКДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ САРИ

Бошланиши 1-бетда

Мустақиллик йилларида икки давлат ўртасида анъанавий ҳамкорлик изчил равнақ топди. Давлат ташрифининг Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги арафасида бўлиб ўтаётганида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Бу сана жорий йил февраль ойига тўғри келади.

Мавжуд мунозарали масалаларни ҳал этишда конструктивлик, шунингдек, минтақа равнақи йўлида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш билан ажралиб турадиган ўзаро муносабатларнинг янги босқичи 2016 йилда, яъни давлатимиз раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларни Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош устувор йўналиши, деб эълон қилганида бошланган. Ўтган давр мобайнида турли даражадаги алоқалар юқори ўсувчанлик касб этди. Мамлакатларимиз ўртасида БМТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, бошқа кўп томонлама платформалар, шунингдек, уларнинг ихтисослашган тузилмалари доирасида фаол муносабатлар йўлга қўйилган.

Давлатлараро муҳим аҳамиятга эга асосий ҳужжатлардан бири 2017 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида имзоланган Стратегик шериклик, дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларациядир. Мазкур ҳужжат томонларнинг кўп асрлик ўзбек-қирғиз муносабатлари, тарихий дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини тубдан янгилаш ва янада чуқурлаштиришга интилишини яна бир бор тасдиқлади.

Икки давлат халқаро кун тартибидаги кўплаб муҳим масалалар бўйича ўхшаш нуқтаи назарларга эга. Қирғизистон Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари механизмини яратиш, Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро тадбирлар ўтказиш, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва бошқа муҳим халқаро ташаббусларини қўллаб-қувватлаган.

Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар ташқи сиёсат йўналишидаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.



> **ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО КОМИССИЯСИ, САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ ВА ИККИ ДАВЛАТ ЧЕГАРАДОШ ВИЛОЯТЛАРИ ҲОКИМЛАРИ КЕНГАШИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР РАВНАҚИГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШМОҚДА.**

Ўзбекистон — Қирғизистон парламентлараро комиссияси, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ва икки давлат чегарадош вилоятлари ҳокимлари кенгаши ўзаро муносабатлар равнақига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналишидир. Ўзаро савдо сўнгги йилларда ижобий динамикани кўрсатмоқда. 2022 йилда бу борада 1,26 миллиард АҚШ долларига тенг кўрсаткичга эришилди. Яқин келажак учун кўзланган мақсад ўзаро савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказишдир. Бу натижага эришиш учун барча имкониятлар ва зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Қирғизистон капитали иштирокидаги 258 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 107 таси қўшма ва 151 таси эса якка тартибдаги корхонадир. Қирғизистонда эса Ўзбекистон резидентлари иштирокидаги 51 та корхона ташкил этилган.

2022 йил апрель ойида Бишкек шаҳрида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга мўлжалланган Ўзбекистон — Қирғизистон тараққиёт жамғармасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши саноат кооперациясини ривожлантиришга ва икки мамлакат иқтисодиётининг рақобатдош афзалликларидан фойдаланиш орқали Ўзбекистон ва Қирғизистон ишлаб чиқарувчилари ўртасида ўзаро боғлиқ бўлган қўшимча қиймат занжирларини яратишга хизмат қилади.

Ташриф арафасида, 25 январь куни Бишкек шаҳрида икки мамлакат бизнес ва давлат секторлари вакиллари иштирокида Ўзбекистон — Қирғизистон бизнес форуми бўлиб ўтади. Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг 2021 йил 11-12 март кунлари Ўзбекистонга ташрифи доирасида ўтказилган бизнес форум якунларига кўра, умумий қиймати 127,6 миллион доллар бўлган 15 та шартнома имзоланган эди.

Ишончли ва самарали транспорт йўлакларини ривожлантириш иқтисодиётларимиз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Гап, биринчи навбатда, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли лойиҳаси, шунингдек, Тошкент — Андижон — Ўш — Иркиштом — Қошғар мультимодаль йўлаги ҳақида бормоқда. Хусусан, Қирғизистон ҳудуди орқали Марказий Осиёни Хитой билан боғлайдиган энг қисқа темир йўл қурилиши нафақат мамлакатларимиз, балки бутун минтақа транзит салоҳиятини сезиларли даражада оширади.

2018 йилдан бошлаб Тошкент — Андижон — Ўш — Иркиштом — Қошғар автомобиль йўлаги бўйлаб қатнов йўлга қўйилди. Ушбу халқаро йўл Ўзбекистоннинг Фарғона водийсидан Хитойга олиб борадиган энг қисқа масофадир. Натижада Ўзбекистондан Хитойга товарларни етказиб бериш муддати 8-10 кундан 2 кунгача қисқарди.

> **ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЎРТАСИДАГИ ЧЕГАРА МАСАЛАЛАРИ КОНСТРУКТИВ АСОСДА ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЎЗАРО ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАЁТГАНИНИНГ ЁРҚИН РАМЗИ БЎЛДИ. 2022 ЙИЛ 30 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИРҒИЗИСТОН БИЛАН ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИНГ АЛОҲИДА УЧАСТКАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ, ШУНИНГДЕК, АНДИЖОН СУВ ОМБОРИДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БИРГАЛИКДА БОШҚАРИШ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ. УШБУ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР 3 НОЯБРЬ КУНИ БИШКЕКДА ИМЗОЛАНГАН ЭДИ.**

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара масалалари конструктив асосда ҳал этилиши ўзаро дўстлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин рамзи бўлди. 2022 йил 30 ноябрь куни Ўзбекистон Қирғизистон билан давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартномани, шунингдек, Андижон сув омборида сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисидаги битимни ратификация қилди. Ушбу халқаро шартномалар 3 ноябрь куни Бишкекда имзоланган эди.

Чегара чизиғини делимитация қилишнинг тугалланиши мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди ва бу борадаги барча мунозараларга барҳам беради.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги тарихий алоқаларни янада чуқурлаштиришда муҳим ўрин тутади. Маданий алмашув кўламлари кенгаймоқда, муҳим гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда қирғиз миллатига мансуб фуқароларнинг таълим олишига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қирғиз тилида таълим бериладиган 50 дан ортиқ мактаб фаолият кўрсатаётир. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳузурида қирғиз ноширлиги бўлими ташкил этилган бўлиб, у қирғиз мактаблари учун дарсликларни чоп этмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телерадиоканалларида қирғиз тилидаги оммабоп “Айчурек” кўрсатуви ва “Эламан” эшиттириши мунтазам равишда эфирга узатилмоқда.

Андижон давлат университетининг Педагогика институтида юқори малакали қирғиз тили ва филологияси мутахассислари тайёрланмоқда.

1995 йилда ташкил этилган Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази бугунги кунда Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида 6 та миллий маданий марказни жамлаган.

Икки мамлакат ижодий жамоалари йирик халқаро тадбирларда, хусусан, Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида, Шаҳрисабз ва Термизда уюштириладиган мақом ва бахши санъати фестивалларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга давлат ташрифи икки қардош мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштиришга муҳим туртки беради, бутун Марказий Осиё минтақасида самарали ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**“Дунё” АА**

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКДА РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ АСОСИ – ЖАМОАВИЙ БИРЛАШИШ

## ТОШКЕНТДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ 26-ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Ўзбекистон 2022 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ИҲТ) раислик қилди. Халқаро экспертлар, сиёсий доира вакиллари мамлакатимизнинг тузилмага биринчи маротаба раислиги муваффақиятли ва самарали ўтганини таъкидламоқда. Бу жиҳатлар минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йўлида 10 дан зиёд муҳим натижага эришилгани, минтақамизни жамоавий бирлаштириш йўлида ҳаётий ташаббуслар илгари сурилгани, ташкилот тарихида биринчи маротаба раислик қилувчи мамлакат ўзи раислик қиладиган йилга ном берганида яққол кўзга ташланади.**

Президент Шавкат Мирзиёев таклифи билан 2022 йил ташкилот маконида “Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилинган эди. ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилишида аъзо давлатларнинг юқори мартабали расмийлари ўзаро боғлиқлик тамойиллари асосида ривожланиш мақсадидаги расмий Тошкент саъй-ҳаракатлари ва эришилган натижаларни алоҳида эътироф этди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири в.б. Бахтиёр Саидов, ИҲТ бош котиби Хусрав Нозирий ва бошқалар Ўзбекистон Президентининг таклиф ва ташаббуслари муҳимлигини инобатга олган ҳолда, ташкилот котибияти уларни изчил амалга оширилишини таъминлаши муҳимлигини қайд этди.

Ўзбекистон ИҲТга раислиги доирасида савдони эркинлаштириш, савдо тартиботларини соддалаштириш ва тўсиқларни бартараф этиш, транспорт, энергетика алоқаларини мустаҳкамлаш, минтақанинг сайёҳлик салоҳиятидан унумли фойдаланиш, экологик муаммолар ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги каби долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича биргаликдаги ишларни жадаллаштирди.

Шу боис, ташкилотга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари савдо, транспорт, инвестиция, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш, энергетика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг навбатдаги долзарб масалаларини муҳокама қилди.

Ўз навбатида, бугунги таҳликали вазиятда, экологик инқироз хавф туғдираётган шароитда ташкилот маконида иқтисодий ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш, бу борада ИҲТ доирасида самарали учрашувлар ва конструктив мулоқотлар зарурлиги таъкидланди.

ИҲТ фаолиятининг устувор йўналишлари аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган саммитида белгиланади. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ИҲТ саммитларида, жумладан, етти марта давлат раҳбари даражасида иштирок этди. Юртимиз расмий делегациялари ИҲТга аъзо давлатлар транспорт, туризм ва қишлоқ хўжалиги вазирлари йиғилишларида фаол қатнашиб келмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ИҲТ доирасидаги ҳамкорлиги сезиларли даражада фаоллашди. Хусусан, 2022 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ва ИҲТ давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 12,3 миллиард долларни ташкил этди, бу 2017 йилдагига нисбатан икки баробар кўп. Ўзбекистонда ИҲТга аъзо мамлакатлар сармоядорлари иштирокида 4 минг 400 та корхона фаолият юритмоқда.

Марказий Осиё — Афғонистон — Покистон, Марказий Осиё — Афғонистон — Эрон, Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон транспорт йўлакларини ИҲТ минтақаси транспорт артерияларига киритиш бўйича Ўзбекистон томонидан 2020 йил декабрь ойида илгари сурилган ташаббусни ташкилотга аъзо барча давлатлар қўллаб-қувватлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ИҲТнинг 2021 йил 28 ноябрь куни Ашхободда (Туркманистон) бўлиб ўтган 15-саммитида мазкур тузилмага раисликни қабул қилиб олган ҳолда, ҳамкорликнинг долзарб масалаларини кўтарди ҳамда аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган ва ҳаётга татбиқ этилган қатор ташаббусларни илгари сурди.

ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 26-йиғилишида бу жиҳатлар алоҳида қайд этилиб, Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги якунлари сарҳисоби, яқин ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган режа ва вазифалар муҳокама қилинди.

Бундан кейин ҳам Ўзбекистон дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш мақсадида ташкилот доирасида кенг кўламли ўзаро манфаатли алоқаларни фаол ривожлантиришига ишонч билдирилди.

**Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ИСЛОҲОТЛАР — АМАЛДА

# РАВОН ЙЎЛДА ҒОВ БЎЛМАС

**Қорақалпоғистоннинг Амударё туманида ҳам кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Туманнинг марказий ҳудуди — Беруний, Олмазор, Гулзор маҳаллаларидаги кўчаларга 9 километр пиёдалар ва саломатлик йўлаклари қурилди.**

Эрта тонгдан ишга, ўқишга ёки оилавий юмушлар билан турли манзилларга отланаётган амударёликлар бунёдкорлик ишларини кўриб қувонади, юртимизда ҳукм сураётган осойишталик ва тинчликка шукрона келтиради.

Шу кунларда туман марказининг Баркамол авлод, Жумуртов, Тадбиркорлар, Шифокорлар ва Халқлар дўстлиги кўчаларида саломатлик йўлакчалари барпо этиляпти. Уни қураётган пудратчи ташкилот — “Амударё махсус қурилиш” масъулияти чекланган жамияти бугунги кунга қадар қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариб келмоқда.

Баркамол авлод, Ҳумоюн кўчаларига тунги чироқлар ўрнатилиб, велосипед йўлаклари қурилаётгани ҳам аҳоли учун кўплаб қулайлик ва имкониятлар яратмоқда. Мазкур қурилиш лойиҳалари пудратчи ташкилотлар томонидан сифатли ҳамда тезкор равишда амалга ошириляпти.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда жами 12 381,5 километр автомобиль йўли бор. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 4254 километрни, ички хўжалик йўллари, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари 8127,5 километрни ташкил этади. Республика бўйича мавжуд 1579 кўприкнинг 674 таси Автомобиль йўллари қўмитасига, 343 таси эса Сув хўжалиги вазирлигига ва 22 таси туманлар ободонлаштириш бошқармаларига қарашли.

— Қорақалпоғистонда Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси тизимидаги корхоналар томонидан ўтган йилда умумфойдаланишдаги ва ички хўжалик йўлларида 476 612,6 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди, — дейди мазкур бош бошқарма бошлиғи Мадад Алламбергенов. — Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 22 январдаги “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон бўйича 4 автомобиль йўли ва 2 кўприкни реконструкция қилиш режалаштирилган. Таъмирлаш учун 101,9 миллиард сўмлик иш ҳажми бажарилиши белгиланганди. Нукус — Чимбой — Тахтакўпир автомобиль йўлининг 110,5-114 километрларини реконструкция қилиш ишлари Тахтакўпир тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан амалга оширилди. Шунингдек, Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов автомобиль йўлининг 2 километри ҳам реконструкция қилинди.

Шу билан бирга, Бўзатов туманидаги “Эркин дарё” ОФЙ ҳудудида 2 кўприкда қурилиш якунланди.

Халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўллари таъмирига йиллик режа асосида 10 769,1 миллион сўм ажратилган бўлиб, ўтган йил охиригача барча маблағ ўзлаштирилиб, иш ҳажми тўла бажарилди.

— Умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларига ўтган йили эксплуатация харажатлари учун ажратилган маблағлар мақсадли сарфланиб, йил охиригача белгиланган ишлар 100 фоиз бажарилди, — дейди Қорақалпоғистон Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Равшанбек Ибрагимов.

Президентимизнинг ўтган йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида берган топшириғига асосан, республика бюджетидан қўшимча ажратилган маблағ эвазига 255 объектда 442 километр йўл таъмирланиши режалаштирилган эди. 2022 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида эса 278 километр йўлни таъмирлаш белгиланганди. Йил якунигача ушбу ишлар пудратчи корхоналар томонидан тўлиқ бажарилди.

Қорақалпоғистон Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасига 2018-2021 йиллар мобайнида 80 та, жумладан, автогрейдер, автосамосвал, юк ортувчи, асфальт тўшайдиган техника воситалари, бульдозер келтирилганди. Бу эса белгиланган ишларни ўз вақтида бажариш имконини беряпти.

Нукус шаҳридаги Чимбой гузари маҳалласида 2022 йил бошида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Илгари бу ҳудуд мутлақо эътибордан четда қолиб кетганди. Бунёдкорлик ишларидан сўнг у энг намунали маҳаллага айланди.

— Маҳалла йўллари ўнқир-чўнқир эди. Энди барча кўчалар текисланди ва маҳалла ҳудудидаги 26,4 километр йўлга қум-шағал ётқизилди. Ушбу ишларда 100 дан ортиқ махсус техника ва йўл хўжалиги корхоналарининг 150 нафарга яқин ходими қатнашди, — дейди Нукус шаҳридаги “Чимбой гузари” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Ринат Толипов. — Албатта, бугунги ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда, деб бемалол айта оламиз. Буни эса бизнинг йўллар мисолида кўришингиз мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Қорақалпоғистонга ташрифи давомида берилган топшириқларга асосан, Нукус шаҳридаги шароити оғир 7 маҳаллада Чимбой гузаридагидек кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши белгиланган эди. Мазкур маҳаллалардаги 120 километр йўлга қум-шағал, 10 километрга асфальт ётқизилди. Жами 83,5 километр йўл таъмирланиб, шундан 3,6 километрига асфальтбетон ва 79,9 километрига қум-шағал тўшалди.

— Кўп йиллардан буён таъмирланмагани туфайли маҳалламиз йўллари абгор ҳолга келиб қолган эди, — дейди Амударё маҳалласида яшовчи Нурсултон Темирхонов. — Ўтган йили маҳалланинг 22,8 километр ички хўжалик йўллари тўлиқ таъмирланди. Шундан 1 километр йўлга асфальтбетон қопламаси, 21 километр йўлга қум-шағал ётқизилди. Албатта, биз бундан жуда хурсандмиз.

> **Йўллар аҳоли турмуш фаровонлиги, мамлакат тараққиётини белгиловчи мезонлардан бири. Улов ва йўл соз бўлса, манзилимизга яхши кайфият билан етиб оламиз. Қаерда йўл қурилиши, таъмирлаш ишлари кенг қулоч ёзса, ўша жойда замонавий инфратузилма объектлари қад ростлаб, аҳоли ҳаёт тарзи юксалиб боради.**

— 20 йилдан буён Қонликўл тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонасида автогрейдерчи бўлиб ишлаб келмоқдаман, — дейди “Дўстлик” ордени соҳиби Аймурза Пиримбетов. — Йўлларни таъмирлаш борасида мисли кўрилмаган ишлар бажарилмоқда. Ҳар куни янги йўллар, янги манзилларни барпо этмоқдамиз. Олдинлари эса зарур маҳсулот танқислиги сабаб бу даражадаги ишлар бажарилмаган.

Ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти сўнгги пайтларда янги йўл ва кўприклар қуриш, унинг инфратузилмасини халқаро андазалар даражасида ривожлантириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларда намоён бўлмоқда. Шу боис, мамлакатимизда замонавий йўл ҳамда кўприклар қурилиши йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг вақтини тежаш, маҳаллаларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли. Юртимиздаги ислоҳотлар замирида, аввало, тинчлик-хотиржамлик, ўтаётган ҳар бир кунга шукроналик мужассам.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

www.yuz.uz
yuz.uznews
yuz_official
yuz.uz_news



ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

# ХАЛҚЧИЛ ПРОФЕССИОНАЛ ТУЗИЛМА

## маънавий юксаклик, касбга садоқат ва фидойилик билан шаклланади



**Азизбек ИКРОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор**

Бошланиши 1-бетда

Ушбу мураккаб ҳамда масъулиятли вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти самарадорлигига, шунингдек, кадрлар салоҳияти, маънавияти, интизоми ва албатта, садоқатига бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш масаласига мамлакатимизда стратегик вазифа сифатида доимий устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси ва прогрессив ғоялари асосида ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотлар — тизимни халқ манфаатларига хизмат қиладиган, аҳолининг кунлик муаммолари билан ҳамнафас ишлайдиган, халқпарвар тузилмаларга айлантирмоқда, десак хато бўлмайди.

Бугунги ички ишлар органлари 6-7 йил олдинги тизимдан ўзининг ташкилий тузилиши, иш услуби, ижтимоий вазифаларга интеграция қилингани ҳамда маънавий муҳити билан тубдан фарқ қилади. Энг муҳими, амалга оширилаётган ўзгаришлар натижасида фуқаролар ички ишлар органи ходими қиёфасида аввалгидек жазоловчи идора вакилини эмас, балки ўзининг ҳимоячиси ва кўмакчисини кўра бошлади.

Албатта, ислоҳотларнинг самарали бўлиши тизимли ва комплекс ёндашувни талаб этиб, натижадорлиги эса кадрлар салоҳияти даражасига бевосита боғлиқ. Шу боис ҳам ички ишлар органларида кадрлар сиёсатига доимий эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратсак. Тизимга қанчалик янги тузилмалар, иш услублари киритилиб, шахсий таркиб замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминланмасин, улардан ақл билан фойдалана олмаса, ходимда билим, маҳорат, маънавият ва садоқат етишмаса, бундай куч тузилмасини ишончли ва халқчил, деб бўлмайди. Шуни чуқур англаган ҳолда, сўнгги икки йилда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш масаласига тизимли ёндашилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил февраль ойида Ички ишлар вазирлиги ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасига амалий ташрифи чоғида олдимизга тизимда шахсий таркиб билан маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш вазифасини қўйиб, шахсан ўзи ушбу тизимнинг конструкциясини яратиб берган эди.

Ички ишлар органларида кадрлар сиёсатини олиб бориш борасидаги ушбу муҳим қадам сабабли, кадрлар билан ишлаш соҳаси трансформация қилинди. Яъни ИИВ Кадрлар бош бошқармаси Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилиб, Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси тасдиқланди. Табиийки, кадрлар билан ишлаш соҳасининг вазифалари ҳам янги тизимнинг стратегияларидан келиб чиқиб ўзгарди. Бу борада маънавий-маърифий ишлар фаолиятнинг бош мезонига айланди.

Шунингдек, ички ишлар органлари соҳасига узлуксиз ўқув-карьера ва ИИВ Академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш тизими жорий этилгани ходимлар маънавияти ва онгини ўзгартириши билан бирга, тизимда интизом ва қонунийлик муҳитини қисқа вақт ичида ижобий томонга силжита олди. Лекин ҳали тизимда муаммолар ва камчиликлар, айниқса, ходимларнинг муомала маданияти ва касбий салоҳияти билан боғлиқ камчиликлар учраб тургани соҳада қилиниши керак бўлган масалалар кўплигини кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам юқорида қайд этилган қарорни қабул қилиш зарурати Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда "Инсон қадри учун" тамойили асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тизимли режаларидан ўрин олди.

Хусусан, қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлган "Ички ишлар органларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси"ни қабул қилиш ташаббуси бундан бир йил олдин давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган эди.



> **СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИ ВА ПРОГРЕССИВ ҒОЯЛАРИ АСОСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР — ТИЗИМНИ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН, АҲОЛИНИНГ КУНЛИК МУАММОЛАРИ БИЛАН ҲАМНАФАС ИШЛАЙДИГАН, ХАЛҚПАРВАР ТУЗИЛМАЛАРГА АЙЛАНТИРМОҚДА, ДЕСАК ХАТО БЎЛМАЙДИ.**

Ушбу ташаббус амалий тус олиши ва ривожланиши учун Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурига киритилди.

Таъкидлаш жоизки, янги қабул қилинган қарор ички ишлар органларида кадрлар соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу ҳужжат шахсий таркиб ўртасида нафақат "темир интизомни" таъминлаш, балки соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш учун замин яратиши билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Чунки қарор билан ички ишлар органлари хизматига номзодларни қабул қилиш, кадрларни тайёрлаш, уларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, таълим сифатини кўтариш, илмий ҳамда психологик фаолиятни ривожлантириш, жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражасини юксалтириш ҳамда хизмат ўташ масалаларида ва албатта, соҳани рақамлаштириш бўйича ҳам катта ўзгаришларга қўл урилди.

Ушбу режалар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун алоҳида комплекс чора-тадбирлар "Йўл харитаси" тасдиқланди. Шунингдек, Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида 6 устувор йўналиш белгиланди. Қолаверса, департамент низоми ҳам қабул қилинди.

Шу ўринда қарор лойиҳасини тайёрлаш жараёнига соҳа олимлари, илмий ва малакали амалиётчи ходимлар кенг жалб этилиб, жорий фаолиятнинг самарадорлиги, камчиликлари илмий ва амалий таҳлил қилинганини, ўндан ортиқ хорижий мамлакат тажрибалари ўрганилганини қайд этиб ўтиш лозим.

Энди бевосита қарор мазмунига тўхталадиган бўлсак, "Ички ишлар органларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси" ички ишлар органлари тарихида илк бор қабул қилинмоқда. Унга қадар фаолиятимизда фақат "Ички ишлар органларининг интизом устави"га амал қилиб келинган. Ушбу уставнинг асосий предмети ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жазолаш фаолиятини тартибга солишдан иборат бўлган.

Янги қабул қилинган кодекс ходимларни маънавиятли, садоқатли, халқпарвар этиб тарбиялаш, уларда ҳалоллик, юқори масъулият ҳамда одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз риоя этиш ҳиссини шакллантириш, ножўя ҳаракатлар ва коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган.

Шунингдек, кодекс — касбий маданият қоидалари, унга амал қилиш мажбурияти, ходимларнинг хизматдан ташқари вақтдаги одоби, хизмат интизоми талаблари, раҳбар ва ходимнинг ўзаро муносабати, бошлиқнинг мажбурияти ҳамда рағбатлантириш ва интизомий чоралар қўллаш тартибларини ўз ичига олган.

Албатта, кодексни тасдиқлаш ва тартибларни белгилаш билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, унга амал қилишнинг қатъий талаблари ва шартлари ҳам белгиланди. Масалан, ҳар бир ходим, у раҳбар бўладими ёки оддий ходим, барчаси кодексга сўзсиз риоя этиши, унинг талабларини ўзлаштириши ва бўйсуниши шарт. Бундан буён ходимнинг фаолиятини баҳолашда кодекс талабларини билиши ва унга амал қилиши асосий мезонлардан бири сифатида қаралади.

Кодекс талабларига бўйсунмаслик эса хизматдан бўшатишгача бўлган қатъий чораларни қўллашга асос бўлади. Шунингдек, барча даражадаги раҳбарлар кодекс талабларининг бажарилишига қаратилган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни амалга ошириш бўйича шахсан жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, эндиликда ходимлар дастлабки синов муддати даврида кодекс қоидалари ва талабларини бузган ҳолларда уларга бириктирилган мураббийлар айблилик даражасидан келиб чиқиб, эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазога тортилади. Шу тариқа мураббийлар масъулияти кескин оширилади.

Яна бир ўзгариш, жорий йил 1 сентябрдан бошлаб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини "Фуқаролар билан ишлаш модули" бўйича узлуксиз ўқитиш амалиёти йўлга қўйилади. Бунда, ходимлар ИИВ Малака ошириш институтида 144 соатдан кам бўлмаган дастур асосида ҳар уч йилда ўқитилиб, махсус синовдан ўтказилади. Синовларни ижобий топширганларга келгусида ушбу соҳада хизмат қилиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилади. Сертификат олмаган ходимларга эса фуқаролар билан ишлаш фаолиятига рухсат этилмайди. Ушбу тартиб ҳам ходимларнинг ўз устида тинимсиз ишлашга, фуқаролар билан мулоқот кўникмаларини шакллантириб боришга бўлган шахсий масъулиятини оширади.

Қарорнинг муҳим янгиликларидан яна бири, бу — ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини яратиш. Шу мақсадда, ИИВ ва унинг ҳудудий бўлинмаларида жамоатчилик асосида фаолият юритувчи соҳа олимлари, фахрийлари ва журналистлардан иборат маслаҳат-кенгаш органи, яъни жамоатчилик кенгашлари тузилади.

Жамоатчилик кенгашларини тузиш масаласи биринчи навбатда, демократик жамиятнинг муҳим шарти ва хусусиятларидан бири ҳисобланади. Иккинчидан, ушбу институт замон талаби ҳамда ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, жорий этилмоқда. Жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг самарали йўлга қўйилиши, ишонамизки, санаб ўтилган масалаларда ўзининг аниқ натижасини бериб, фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, кадрларни хизматга қабул қилиш, айтиш мумкинки, соҳа тақдирини белгиловчи энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Очиғини айтиш керак, ички ишлар органлари хизматига қабул қилиш тизими самарадорлик жиҳатидан анча эскирган, салоҳиятли номзодларни саралаб олиш имкониятини бермаётган эди. Ушбу масала ҳам қайта кўриб чиқилди ва хизматга қабул қилишнинг мутлақо янги, такомиллашган замонавий механизми яратилди.

Янги тартибни яратишда Туркия, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Россия, Хитой каби қатор давлатлар тажрибаси ўрганилди ҳамда улардан фойдаланилди.

Белгиланган тартибга кўра, танловлар икки босқичга, яъни саралаш ва ўрганиш босқичига ажратилди. "E-nomzod" ёпиқ ахборот тизимини яратиш орқали хизматга қабул қилиш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилади. Инсон омили аралашуви юқори бўлган суҳбат тизими ўрнига Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан тест синовларини қабул қилиш ва психофизиологик (полиграф) текширувидан ўтказиш тадбирлари амалга оширилади.

Ақлий синовлар жисмоний даражани баҳолашдан олдин қабул қилинади ва тестларни фақат яхши ва аъло баҳога топширганлар кейинги босқичга қўйилади. Номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва шахсий йиғма жилдларни шакллантириш саралаш босқичидан ўтгандан сўнг амалга оширилади. Шунингдек, ҳужжат расмийлаштириш жараёнлари бюрократик тўсиқларни бартараф этиш нуқтаи назаридан соддалаштирилади.

Хизматга қабул қилиш масаласида яна бир муҳим жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу кунга қадар амалда бўлган хизматга қабул қилинган ёш ходимларни бошланғич касбий тайёргарликдан ўтказмасдан тўғридан-тўғри хизматга қўйиш амалиётига барҳам берилиб, дастлабки синов муддати эса бир йилгача узайтирилди.

Хўш, бу бизга нима беради? Солиштириш учун айтадиган бўлсак, аввалги тартибда номзодлар тўплаган баллдан қатъий назар, бўш лавозимлар сонидан келиб чиқиб қабул қилинар эди. Ҳатто билим даражаси яхши бўлмаган номзодларнинг ҳам хизматга кириш имконияти жуда юқори бўлган. Янги қабул қилинган ходим ҳеч қандай тайёргарликсиз тўғридан-тўғри хизматга чиқарилиб, вазифалар юклатилган. Бундан ташқари, синов муддати қисқа — уч ой эди. Буларнинг барчаси ёш ходимларни хизмат вазифасини лозим даражада бажара олмаслигига, кўплаб хатоликларга йўл қўйишига сабаб бўлган.

Жорий этилаётган тартиб бўйича энди хизматга фақат салоҳиятли номзодлар танлаб олинади ва бошланғич касбий билим ва кўникмаларни эгаллаганидан сўнг уларга хизмат қилиш учун рухсат берилади. Шубҳасиз, ушбу янги тизим ички ишлар органлари шахсий таркибининг сифат жиҳатидан ўзгаришида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Энди қарорнинг касбий тайёргарлик ҳамда идоравий таълим соҳасига қандай янгиликларни олиб кираётганига тўхталсак. Бу борада ҳам қатор чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, ИИВ Академиясида ички ишлар органлари таълим муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш тизими йўлга қўйилиши, амалиётдаги кучли ходимларни педагог сифатида тайёрлаш ҳамда педагогларнинг мутахассисликларига соҳанинг ўзига хос хусусиятларини интеграция қилиш имкониятини яратади.

Қайд этилганлардан ташқари, қарорда Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментига шахсий таркибнинг жисмоний, жанговар ва психологик тайёргарлигини янада яхшилашга қаратилган бир қатор муҳим вазифалар қўйилди. Жумладан, ички ишлар органларида жисмоний ва жанговар тайёргарликни ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш, малака тоифасини бериш тартиби ва мезонларини танқидий қайта кўриб чиқиш орқали уларни замон талабларига мос равишда малакалаш ва малакасига кўра, ҳақ тўлаш тартибини такомиллаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, барча даражадаги ички ишлар органларининг жанговар шайлик ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширишни назарда тутиб, спортнинг якка кураш турлари (қўл жанги, самбо ва кураш) бўйича ҳудудий терма жамоалар ва спорт секцияларини ташкил этиш, психологик хизмат кўрсатиш бўйича янги тизимни жорий этиш, унинг моддий-техник базасини ривожлантириш, мутахассисларни хорижий илмий ва таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни назарда тутувчи чораларни белгилаш вазифаси қўйилган.

> **КОДЕКС — КАСБИЙ МАДАНИЯТ ҚОИДАЛАРИ, УНГА АМАЛ ҚИЛИШ МАЖБУРИЯТИ, ХОДИМЛАРНИНГ ХИЗМАТДАН ТАШҚАРИ ВАҚТДАГИ ОДОБИ, ХИЗМАТ ИНТИЗОМИ ТАЛАБЛАРИ, РАҲБАР ВА ХОДИМНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ, БОШЛИҚНИНГ МАЖБУРИЯТИ ҲАМДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ИНТИЗОМИЙ ЧОРАЛАР ҚЎЛЛАШ ТАРТИБЛАРИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН.**

Қарор билан ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг "Йўл харитаси"да 34 банддан иборат манзилли чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан:

— хизмат интизомига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган "ходимбай назорат" тизимини жорий қилиш чораларини кўриш;

— ёш ходимлар ўртасида ватанпарварлик, касбга нисбатан садоқат ҳиссини шакллантиришга қаратилган "уч авлод" тизимини ривожлантириш;

— ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштириш ва маънавий дунёқарашини юксалтириш;

— ходимлар билан ишлашни ташкил этиш жараёнига ахборот технологияларини қўллаган ҳолда "E-XID" — "Ходимбай ишлаш дафтари" юритиш электрон тизимини жорий қилиш;

— ИИВ илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ташкилотларининг 2023-2027 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

— ИИВ Академиясида хорижий мамлакатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларини тайёрлаш ва ўқитиш тизимини йўлга қўйиш;

— ИИВ Академияси ва Малака ошириш институтининг профессор-ўқитувчилар таркиби фаолиятини "Smart reyting" электрон тизими орқали баҳолаш тартибини жорий этиш;



— 2023-2027 йилларда ички ишлар органларида жисмоний ва жанговар тайёргарликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

— тизимда профессионал даражадаги жисмоний, жанговар ва касбий тайёргарликка эга ходимларни рағбатлантиришнинг механизмларини жорий этиш режалаштирилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, қабул қилинган қарор ички ишлар органларини аҳоли билан яқин ҳамкорликда ишлаш ва фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала бўлишни таъминлашга, ходимларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари юксалишига, ватанпарварлик ва садоқат ҳисси кучайишига, тартиб-интизом ва қонунийлик мустаҳкамланишига, ходимларда билим ва профессионализм ҳамда масъулиятнинг ортиши эвазига иш натижалари ўсишига, аҳолининг чин розилигига эришишга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, кадрлар масаласи доимий равишда янгиланиб турилиши лозим бўлган муҳим соҳа ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Президентимиз бошчилигида фақат ва фақат халқ манфаатларини кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотларимиз бундан кейин ҳам тўхтаб қолмайди, бу борада тинимсиз изланишлар олиб борилади ва соҳани бундан-да, ривожлантириш учун янги режа, ғоя ҳамда ташаббуслар илгари сурилади.





БУГУННИНГ ГАПИ

# ЭНЕРГЕТИКА ВА НАРХ-НАВО БАРҚАРОРЛИГИ




## Камчиликлар янги чораларга ундамоқда



**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Газ, электр энергияси, иссиқлик таъминоти — булар бугун одамлар орасида, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда энг кўп муҳокама қилинаётган мавзуларга айланди. Бу йилги қаттиқ совуқ туфайли маълум вақт кимнингдир уйида газ ёки электр токи бўлмади. Яна қайсидир хонадонларда иссиқлик таъминотида муаммо кузатилди. Биргина 22 январь куни электр ва газ таъминотидаги узилишлар бўйича истеъмолчилардан Энергетика вазирлигига 758 мурожаат келиб тушгани шундан далолат беради.**

Хуллас, жорий йилнинг 9 январидан юртимизга кириб келган аномал совуқ, очиғи, барчамизни ўзига хос синовдан ўтказмоқда. Мутахассислар бундай совуқ ҳаво Ўзбекистонда охирги эллик йилда кузатилмаганини таъкидлашяпти. Мутасаддилар унинг ортидан келиб чиқаётган ноқулайликлар, носозликларни ўз вақтида бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун туну кун ишлайдиган махсус бригада ва штаблар ташкил этилган.

Маълумотларга қараганда, шу йил 22 январь куни электр станцияларда 221 миллион 500 минг кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган. Шунингдек, газ таъминоти корхоналари томонидан истеъмолчиларга 143 миллион 800 минг куб метр табиий газ ва 600 тонна суюлтирилган газ етказиб берилган. Ҳудудлардаги омборларга 5 минг 200 тонна маҳаллий кўмир юборилди.

Корхоналарда қазиб олиш ва ишлаб чиқариш ишлари ўрнатилган тартибда олиб борилмоқда. Барча корхоналарда штаблар тузилган, 24 соатлик навбатчилик ташкил қилинган.

Электр тармоқлари ва трансформатор пунктларида юкламаларнинг ортиши ҳисобига юзага келган носозликлар бартараф этиб борилмоқда. Зарур чора сифатида юртимизнинг айрим ҳудудларида электр таъминотида бир ярим соатдан икки соатгача чекловлар киритилди.

Электр тармоқларида олиб борилган таъмирлаш ишлари натижасида таъминотда авариявий ҳолатлар сонини 2 баробарга қисқартиришга эришилди. Газ тармоқларида табиий газ босими кўтарилиши натижасида бир кунда 5 минг 19 хонадоннинг табиий газ таъминоти яхшиланди.

Бугунги кунда айрим хонадонларда газ босимини меъёрга келтириш ишлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, вазирлик ва тизим ташкилотларининг масъул ходимлари ҳудудларга сафарбар этилиб, истеъмолчиларни барқарор энергия ресурслари билан таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрмоқда.

Аномал совуқ кунларида тармоқларда юзага келиши мумкин бўлган ва кузатилаётган носозликларни бартараф этиш мақсадида электр ва газ таъминоти корхоналарида туну кун ишлайдиган мингдан ортиқ махсус бригада ташкил этилган, улар жойларда мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этилишини таъминламоқда.

— Ушбу йўналишдаги ишлар юртимиз бўйича тизимли олиб борилмоқда, — дейди “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ матбуот котиби Фахриддин Нуралиев. — Хусусан, биргина Тошкент шаҳрида табиий газ босими ва иссиқлик қувватининг пасайиши натижасида электр тармоқларида фавқулодда аварияларни бартараф этиш учун 948 ходим жалб қилинган. Авариявий бригадаларга эса қўшимча 72 автотранспорт ҳамда махсус техника йўналтирилиб, уларнинг умумий сони 261 тага етказилди. Январь ойининг 1-21 кунларида тармоқда 3 минг 516 авария ҳолати юз берган бўлса, шундан 3 минг 491 таси бартараф этилди, 25 таси тузатиш жараёнида. Янгиҳаёт, Яккасарой ва Бектемир туманларида авариявий ўчган электр қурилмаларга тўлиқ кучланиш берилди. Сергели, Миробод ва Юнусобод туманларида авариявий ўчишларни тўлиқ бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Тошкент шаҳрининг 11 туманида 19 январь ҳолатига кўра, 53 та ҳар хил кувватли шикастланган трансформатор мутахассислар томонидан алмаштирилиб, ишга туширилди.

Умуман, истеъмолчиларни барқарор энергия ресурслари билан таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Бугун барча мутахассислар ушбу йўналишдаги ишларга сафарбар этилган.

Кузатилаётган ҳолатлардан кўринадики, куз-қишга тайёргарлик мавсумий иш бўлиб қолмаслиги керак. Бу доим эътибор талаб этиладиган ҳамда такомиллашиб борадиган жараён. Бугунги кунда бутун республикамиз бўйлаб бунёдкорлик ишлари тобора кенгайиб, кўп қаватли уйлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганини инобатга олсак, бу жараён қанчалик аҳамиятли эканини янада чуқурроқ англаймиз.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, иситиш мавсуми ҳудудлар масъуллари, яъни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига биноан бошланади ва якунланади. Бунда беш кун мобайнида ўртача ташқи ҳаво ҳарорати 8 даражадан паст бўлганда бошланиши ҳамда 8 даражадан юқори бўлганда эса тамомланиши керак. Демак, ана шу ҳароратда таъминотчи иссиқликни бермаса, истеъмолчи талаб қилишга ҳақли.

Мамлакатимизда 2022-2026 йилларда 280 қозонхона ва минг километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари қурилиб, модернизация қилинади. Ички иситиш тизими носозлиги сабабли иссиқлик таъминоти тизимларидан узилган 5 мингта кўп квартирали уйнинг ички иситиш тизими тикланиши натижасида марказлашган иссиқлик таъминоти даражаси 52 фоиздан 66 фоизга ортиши мўлжалланган. Бу ҳақда 2022 йил 19 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган “Ҳукумат соати”да ҳам алоҳида айтиб ўтилган эди. Маълум қилинишича, ҳозир Ўзбекистонда кўп қаватли уйларнинг 52 фоизи иссиқлик таъминотига уланган бўлса, 48 фоизи марказлашган иссиқлик таъминотига уланмаган. Яъни индивидуал иситиш тизимлари ёрдамида иситилади.

Марказлашган иситиш тизими Ўзбекистоннинг асосан, 5 ҳудудида мавжуд. Хусусан, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари (97 фоиз), Тошкент (89 фоиз) ва Бухоро шаҳарлари (60 фоиз) ҳамда Тошкент вилояти (32 фоиз).

2018 йилгача тизимда модернизация ишлари деярли бажарилмагани учун асосий ва ёрдамчи ускуналар эскирган. Автоматик бошқарув мавжуд эмас. Ҳаво ҳарорати пасайганида таъминотда узилишлар бўлади. Иссиқлик корхоналари доимий зарар билан ишлайди, мутахассислар етишмайди. Тўғри, бугунги кунда ушбу муаммоларни ҳал этиш ва мунтазамлигининг олдини олиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин малакали кадрлар тайёрлаш, бутун тизимни замон талаблари асосида янгилаш бир оз вақт талаб этадиган жараён.

Мамлакатимизда совуқ об-ҳаво шароитида аҳолига муносиб турмуш тарзини яратиш, иқтисодиёт тармоқлари барқарор ишлашини таъминлаш масаласига бугун жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада шахсан давлатимиз раҳбари мутасаддилар олдига кўплаб вазифаларни қўйган. Ана шулардан келиб чиқиб, Президент топшириғига асосан, куни кеча Бош вазир раислигида мамлакатимизда давом этаётган аномал совуқ ҳаво шароитида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тезкор чоралар кўрилиб, 21 январдан бошлаб табиий газ импорти қайта тиклангани қайд этилди.

Ижтимоий соҳа — мактаб, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларига шу қишдан чиқиш учун қўшимча 35 минг тонна кўмир зарурлиги айтилди. Шунинг учун Энергетика вазирлиги, “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти раҳбариятига уч кун муддатда вилоятларга етказиб берилиши зарур бўлган режадаги 20 минг тонна кўмирни ўз вақтида тўлиқ етказиш, 27 январдан бошлаб эса қўшимча талаб асосида жойларга кўмир етказиб берилишини ташкил этиш вазифаси юкланди. Кўмирга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида эса келгуси икки ойда “Ангрен” кўмир конидан кўмир қазиб чиқариш ҳажми камида 30 фоизга оширилади. Фарғона ва Сурхондарёдаги янги конларни ўзлаштириш лойиҳалари жадаллаштирилади.

Бугунги кунда республика бўйича жами 40 мингта кўп қаватли уй-жой мавжуд бўлса, шундан 31 мингга яқини 1991 йилгача қурилган. Бу улар иситиш учун энергия манбалари кўп талаб этилади, дегани. Уларни иситишнинг самарали йўлларини излаш, топиш ва амалиётга қўллаш давр талаби. Шу боис, мазкур уйларнинг фасад қисмини реновация асосида босқичма-босқич базальт қопламага ўтказиш ҳамда муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда иссиқ сув ва электр билан таъминлашни назарда тутувчи дастур лойиҳаси ишлаб чиқиш чоралари кўрилиши қайд этилди.

Бундан буёғига қуриладиган кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларига энергия самарадорлик даражаси юқори бўлган қурилиш материаллари ва жиҳозлардан фойдаланиш мажбурий этиб белгиланмоқда. Иморат қурмасдан туриб, яшаш учун шароит яратишни ўйлаш — бу энг мақбул ечимлардан бири.

Жорий йилда табиий газ қазиб олиш ҳажми 56,3 миллиард куб метрга етказилади. Яъни ҳажм ўтган йилга нисбатан 4,6 миллиард куб метрга оширилади. Таҳлиллар қайта тикланувчи энергияни жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш хисобига 1,6 миллиард куб метр газ иқтисод қилиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Йиғилишда, умуман, жорий йилда табиий газ ва электр энергияси, кўмир ва мазут импорти билан боғлиқ масалаларни қайта кўриб чиқиш, бошқа муқобил ҳамкорлар билан музокаралар ўтказиш, келишувларга эришиш бўйича олдиндан барча зарур тадбирларни амалга ошириш шартлиги кўрсатиб ўтилгани мазкур ишларга жиддий ва янгича ёндашиш ҳаёт тақозосига айланаётганини кўрсатади. Зотан, ноқулай об-ҳаво муаммоларни юзага чиқаргани бор ҳақиқат. Бу бизни улардан сабоқ олиб ишларни пишиқ-пухта, самарали ва истиқболли ташкил этишга ундайди, албатта.



> АНОМАЛ СОВУҚ КУНЛАРИДА ТАРМОҚЛАРДА ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ВА КУЗАТИЛАЁТГАН НОСОЗЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАҚСАДИДА ЭЛЕКТР ВА ГАЗ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИДА ТУНУ КУН ИШЛАЙДИГАН МИНГДАН ОРТИҚ МАХСУС БРИГАДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН, УЛАР ЖОЙЛАРДА МАВЖУД МУАММОЛАРНИ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН ҲАЛ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА.





> ҲОЗИРГИ КУНДА ЭСА МАМЛАКАТИМИЗДА НАФАҚАТ ПИЁЗ, БАЛКИ БАРЧА АСОСИЙ ТУРДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЗАХИРАСИ МАВЖУД ВА ЎРНАТИЛГАН ТАРТИБДА САҚЛАНМОҚДА. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ МУТАНОСИБЛИГИ АСОСИДА УШБУ ЗАХИРАЛАРНИ ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИГА ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ТИЗИМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

### Ноқулай об-ҳавонинг қишлоқ хўжалигига таъсири

Табиат инжиқликлари, яъни мавсумнинг серёғин ёки қурғоқчил келиши, ўта иссиқ ёхуд совуқ бўлиши қишлоқ хўжалигига ҳам бевосита таъсир қилади. Шу маънода, деҳқончилик ҳам таваккалчиликка асосланган. Чунки бугун экилган экин эртага қандай ўсади, ривожланади, ундан қанча ҳосил олинади, олдиндан айтиш қийин. Тўғри, бу борада тахмин қилиш мумкин, лекин табиатдаги биргина кутилмаган ўзгариш бутун ҳосилга, нарх-навога таъсир этиши мумкин. Масалан, шу кунларда бозорларимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, пиёз нархи кўтарилган. Бу ҳам қайсидир маънода, кузатилган аномал совуқ таъсири, албатта.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Зафар Ортиқовнинг айтишича, ўтган йили юртимизда 91,1 минг гектар майдонга пиёз экилиб, 1,9 миллион тонна ҳосил йиғиштириб олинган. Шундан, 665 минг тоннаси кузги ҳосил, яъни август-сентябрь ойларида етиштирилган. Ушбу ҳосилнинг 1,2 миллион тоннаси аҳоли истеъмолига, 203 минг тоннаси экспортга, 93,2 минг тоннаси захирага, 210 минг тоннаси эса умумий овқатланиш ва қайта ишлаш корхоналарига йўналтирилган. Табиий йўқотишлар эса 228 минг тоннани ташкил қилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йилнинг 20 январидан 30 апрелига қадар тиббий меъёрлар бўйича аҳолининг пиёзга бўлган истеъмол талаби ўртача 346 минг тоннани ташкил этади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тизимида узилишлар юзага келиши оқибатида бозорларда мазкур маҳсулот нархининг ошиши кузатилаётгани ҳам бор гап.

Бунинг асосий сабаби сифатида кескин совуқ туфайли маҳсулот логистикасида юзага келган узилишларни кўрсатиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 2023 йилнинг 9 январида захирадаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини совуқдан асраш, асосий турдаги маҳсулотлар сифатини бузмай сақлаш мақсадида, соҳа олимлари ва мутахассислар тавсиялари мамлакатимизнинг ҳудудий бошқармаларига юборилган ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали ёритилган. Бироқ кескин совуқ натижасида, деҳқон бозорларида айрим очиқ расталарда сақланган пиёз маҳсулотлари музлаб қолган (музлаш ҳарорати -5 даража) ҳамда ноқулай об-ҳаво шароитида таклиф, яъни бозорга маҳсулотни олиб келиш ҳажми пасайган.

Масалан, хорижий давлатлардаги ҳолатлар ўрганилганда, жаҳонда кечаётган геосиёсий вазият ва иқтисодий муносабатлар занжиридаги мураккабликлар натижасида пиёзнинг дунё бозоридаги нархи сезиларли даражада ошганини кўриш мумкин. Оқибатда Ўзбекистон ва МДҲ давлатларида пиёз нархи 2 баробарга ўсган. Мамлакатимизда ички истеъмол бозор нархини арзонлаштириш, аҳолининг истеъмол талабини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2023 йилнинг 1 январидан 4 ойга пиёз экспортига вақтинча чеклов ўрнатилди.

Бугунги кунда ҳудудлардаги захира миқдори 87 минг тонна. Аҳоли хонадонларида эса 232 минг тонна, жами 319 минг тонна пиёз маҳсулоти бор. Бу эса, жойларда захира мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мутахассислар таҳлилига кўра, аҳолининг истеъмол талаби доирасида мавжуд захирага қўшимча 26,5 минг тонна пиёз керак. Ушбу ҳажмдаги маҳсулотни импорт қилиш бўйича хорижий давлатлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, жанубий вилоятларимизда баҳор фаслидан пиёзнинг эртапишар нави етила бошлайди. Жумладан, Сурхондарё ва Қашқадарё заминида экилган уруғ режадагидек униб ҳосил берса, бу борадаги тақчиллик юзага келмаслиги ва аҳоли талабининг тўлиқ қопланиши бўйича ҳисоб-китоблар мавжуд.

Ҳозирги кунда эса мамлакатимизда нафақат пиёз, балки барча асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг захираси мавжуд ва ўрнатилган тартибда сақланмоқда. Талаб ва таклиф мутаносиблиги асосида ушбу захираларни деҳқон бозорларига чиқариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада масъуллар аниқ режа асосида иш юритмоқда. Ҳукумат комиссияси томонидан таъминотда узилишлар бўлмаслиги юзасидан ва нарх ошишининг олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўриляпти.

Яна бир жиҳат, совуқ туфайли энергия етишмаслиги ғамлаб қўйилгандан ташқари иссиқхоналарда етиштирилаётган ҳосил нобуд бўлишига ҳам сабаб бўлди. Бу баҳорда бозорга чиқариладиган маҳсулотлар нархига ҳам таъсир қилиш эҳтимоли бор, дегани.

Умуман, аномал совуқ нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам сезилди. Йўллар музлаб, транспорт ҳаракатлари, логистика чекланиб қолди. Ушбу вазиятда ҳукуматлар юзага келган муаммоларни ҳал этишга тезкор ёндашмоқда.

Мутахассислар жаҳон иқтисодиёти турли талафотлардан холи бўлмаслигини айтади. Қайсидир ҳолат, у хоҳ молиявий, хоҳ табиий бўлсин, албатта, ўз таъсирини кўрсатади. Шу маънода, аномал совуқ келгусида бундай вазиятларга ҳар томонлама ва доим тайёр туриш зарурлигини англатмоқда.

Бинобарин, мамлакатимизда бу масала доимий эътиборда. Хусусан, жорий йилнинг 16 январида қиш мавсумида аҳолини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар юзасидан ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда давлатимиз раҳбари “Мен совуқдан қийналаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг кайфиятини, ҳиссиётини чуқур ташвиш ва изтироб билан юрагимдан ўтказяпман”, дея таъкидлади.

Шунингдек, йиғилишда юзага келган вазият соҳалар ҳамда ҳудуд раҳбарларининг бугунги кунгача қандай ишлаганини яққол кўрсатиб қўйганига эътибор қаратилди. Шу боис, вазиятга олдиндан баҳо бериб, қиш мавсумига лозим даражада тайёргарлик кўрмагани учун бир қатор масъуллар вазифасидан озод қилинди, “ҳайфсан” интизомий жазоси берилди.

Шу кунларда ҳаво ҳарорати бир оз яхшиланмоқда. Қуёш тафти қорларни эритиб, илиқлик бермоқда. Бу аномал совуқ аста-секин чекинишидан далолат. Лекин бундан хотиржамликка берилмаслик керак. Аксинча, ҳолатдан, вазиятдан тўғри хулоса қилиб, келгуси ишларга ҳозирданоқ тайёргарликни бошлаган маъқул.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ



# УЧИНЧИ УЙҒОНИШ ДАВРИ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

**Айни кунларда халқимиз Президентимизнинг Мурожаатномасида билдирилган фикр-мулоҳазалари таассуротлари билан яшамоқда. Зеро, мазкур ҳужжатни сўнгги йиллардаги шиддатли ислоҳотларга назарий ва амалий пойдевор бўлган Ҳаракатлар стратегияси ва Тараққиёт стратегиясининг мантиқий давоми, десак ҳар жиҳатдан тўғри бўлади. У бугунги кунда нафақат юртимиз, балки дунё жамоатчилигининг диққат марказида турганининг сабаби ҳам шундан.**



**Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Наманган давлат университети профессори, сиёсий фанлар доктори**

Президентимизнинг самимийлик билан йўғрилган ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларида мавжуд бўлган муаммолар ва вазифаларни қамраб олган Мурожаати ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. У масалани кўрсатиб ўтиш билан бирга, юртдошларимизни анчадан буён ўйлантириб келаётган саволларга аниқ жавоб бўлди.

Бугун мамлакатимиздаги кенг қамровли ижобий ўзгаришларни таҳлил қилиш, моҳиятини одамларга етказиш устувор аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистонда айни пайтдаги ривожланиш босқичида олиб борилаётган том маънодаги халқпарварлик сиёсати инсон қадрини улуғлашга, уни эъзозлашга қаратилган.

Юртимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккабликларга тўла шонли йўли муайян босқичларни қамраб олади. Аммо кейинги йилларда ҳаётимизнинг барча йўналишларида, хусусан, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва ташқи сиёсат соҳасида бўлсин, умуман, туб ўзгаришлар юз берди.

Мурожаатномани вилоят фаоллари билан эшитдик, кўрдик. Аввало, таъкидлаш лозимки, барча ислоҳотлар одамларимизнинг яшаш тарзини яхшилаш, фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, қадр-қимматини улуғлашга қаратилган ва бундай халқчил сиёсат ўз натижасини бермоқда. Сабаби, бу ислоҳотлар жойлардаги реал ҳолатларни ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартараф қилишга йўналтирилган лойиҳалар муҳокамаси билан, бугун, эртага, яқин келажакда бажариладиган аниқ ишлар таҳлилига ёндашиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Президентимиз вилоятларга ташрифи чоғида ҳам ҳар бир ҳудудни комплекс ривожлантиришга аҳамият беради. Турли манзиллардаги вазият билан шахсан танишади, ютуқларни қайд этиш билан бирга, кўзга ташланган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан маҳаллий ва тармоқ раҳбарларига топшириқлар беради. Буни Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожи мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Шавкат Мирзиёев вилоятимизга ҳар бир ташрифида янги ташаббус ва ғоялар билан халқимизни илҳомлантиради. Масалан, 2020 йил июнь ойидаги сафарида Наманган шаҳри таркибида Давлатобод ва кейинги келишида Янги Наманган туманларини ташкил қилиш таклифини берди. Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш учун уларнинг талаб ва хоҳишларини тўларoқ ҳамда тезроқ қондириш имконини яратиш юзасидан вазифалар белгиланди.

Мурожаатномада эса Наманган шаҳрини республика бўйсунувига ўтказиш тўғрисидаги кўрсатмаси бизни янада руҳлантирди. Давлатимиз раҳбарининг Наманган аҳлига доимий ғамхўрлиги бизга масъулият юклаб, шараф бағишлайди.

Шу ўринда Мурожаатномадаги айрим йўналишларга қисқача тўхталмоқчиман. Биринчидан, Президентимиз давлатчилигимизга янгича шакл ва мазмун бериш, давлат бошқарувини янада ихчамлаштириш юзасидан кўпчиликка маъқул тушган масалаларни ўртага ташлади. Жумладан, жойларда "Ҳукумат куни"ни ўтказиш, бир-бирини такрорлайдиган вазирлик ва идоралар сонини қисқартириш, вазирларнинг ҳудудларда мунтазам ҳисобот бериши ва бошқа кўрсатмалари халқчил давлат бошқаруви самарадорлигида жуда зарурдир. Бизнингча, "Ҳукумат куни" орқали давлат бошқарувини халққа янада яқинлаштириш, жойлардаги муаммоларни сансоларликсиз ҳал этиш кўзда тутилмоқда. Фақат бугина эмас, ҳар бир ҳукумат аъзоси ёки тармоқ раҳбари ҳудудларда соҳа вакиллари олдида ҳисобот беришга тайёргарлик кўришининг ўзи унга тизимдаги ислоҳотлар натижаси учун шахсан жавобгар эканини ҳис қилдиради.

Иккинчидан, бундай ҳисобдорлик муаммоларни маълумотномалардаги мисол ва фактлар эмас, юзма-юз мулоқот орқали билиш, зудлик билан чоралар кўриш имконини туғдиради. Ўйлаймизки, мазкур янгилик давлат бошқарувидаги халқчиллик, очиқлик ва натижадорликка замин бўлади. Бошқача айтсак, бу миллий давлатчилигимиз такомилидаги ва замон талабидаги тамойилдир. Энг муҳими, давлат бошқарувида марказлашишдан қуйига ўтишни жадаллаштиради. Зеро, тарихимизда ўта марказлашган давлат бошқарувининг салбий оқибатларига кўп гувоҳ бўлганмиз.

Шавкат Мирзиёев доимо йўналишлар бўйича ишлар таҳлилини қилар экан, соҳадаги муаммо учун иккита масъул шахсдан — дастлаб маҳаллий ижро органлари раҳбаридан, сўнгра вазирлардан масъулият талаб этилишини таъкидлайди. Мазкур тамойил давом эттирилиб, вилоятларга ташрифлари чоғида Бош вазир ўринбосарларидан ҳисобот ва маҳаллий ижро органлари мутасаддиларидан қатъий масъулият сўралаяпти.

Албатта, бундай амалиёт жойлардаги ва марказдаги раҳбарлар масъулиятини оширади. Ижро интизомини яхшилайди.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари ҳудудларда "Ҳукумат куни" ўтказишни Мурожаатномада долзарб ташаббус сифатида олға сурди. Яқинда қабул қилинган "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонда ҳам ҳукумат аъзолари ва вазирларнинг тармоқдаги ислоҳотлар натижаси учун шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Мурожаатномада "маҳаллабай" ишлаш тизимини ташкил қилиш ва уни янада такомиллаштириш хусусидаги фикрлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу тизим 2022 йил 1 январдан жорий этилганди. Пировардида, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва бандлигини таъминлаш билан маҳалла даражасида шуғулланиш бошланди. Бу масалага синчковлик билан эътибор берилишининг сабаби, одамлар кундалик ҳаётининг кўп қисмини оиласида ўтказади ва маҳалладаги ўзгаришларни ўз кўзи билан кўради. Ислоҳотлар ижросини ўз хонадони, маҳалласи мисолида ҳис қилади. Эртанги кунга ишончи кучаяди, ўзида ҳам фаоллик, дахлдорлик пайдо бўлади. Дарвоқе, "маҳаллабай" тизимини шунчаки кредит бериш, ер ажратишдан иборат иқтисодий тадбирлар мажмуаси эмас, балки фуқаролар онгини, дунёқарашини ўзгартиришга йўналтирилган сиёсий аҳамиятга молик тамойил, деб ҳисоблаш лозим.



> **ТАЪЛИМНИ СИФАТЛИ ДАРАЖАГА КЎТАРИШНИ УҚТИРАР ЭКАН, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ КЕЛГУСИ ЙИЛДАН БОШЛАБ БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЯНГИ МЕТОДИКАГА АСОСЛАНГАН ДАРСЛИКЛАР БИЛАН ЎҚИТИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ҲАҚИДА ТОПШИРИҚ БЕЛГИЛАБ, ЮҚОРИ СИНФЛАРДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ СИФАТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАСЛИГИНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ. БУ ЭЪТИРОЗ ОЛИМЛАР, ҲАР БИР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИЮ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ ЗИММАСИГА ЎТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ.**

Камбағалликка қарши курашиш бўйича жаҳонда муҳим институт бўлган J-PAL экспертларининг эътирофича, камбағалликни қисқартиришда ноёб амалиёт — "маҳаллабай" ва "хонадонбай" тизимида ишлаш ва шу мақсадда ташкил этилган ҳоким ёрдамчилари институти ижобий натижасини бермоқда. Амалий кўмаклар асосида ҳар бир маҳалла мамлакатимизнинг кичик, қуйи бўғини сифатида ривожланиб, унда ҳар бир фуқаронинг шахс сифатида жамиятда ўз ўрнини топиши учун етарли шароитлар ҳозирланди. Хонадонлар хатлов асосида эринмай ўрганиляпти, улардаги муаммолар оворагарчиликсиз "иссиғи"да ҳал қилиняпти. Эҳтиёжманд оилалар учун оилавий тадбиркорлик лойиҳалари тайёрланиб, амалга оширилмоқда. Йирик миқдорда кредит ва субсидиялар ажратилмоқда. Президентимизнинг янги таклифи билан энди "Маҳалла бюджети" тизими қўлланилади. Вилоятимиздан Уйчи тумани шу мақсад учун танланди. Маҳалла ривожи ҳудуд ва юрт тараққиётига етаклайди. Шунинг учун "маҳаллабай" ишлашга бағишланган ислоҳотлар бугун мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам сиёсатчилар томонидан "Ўзбекистон тажрибаси" дея эътироф этилмоқда.

Мурожаатномада тилга олинган яна бир устувор йўналиш — таълимда сифатни таъминлаш билан боғлиқ вазифалар хусусида ҳам фикр билдирмоқчиман. Шу ўринда бир савол туғилади. Нима учун давлатимиз раҳбари мазкур масалада жиддий бош қотирмоқда? Президентимизнинг истиқлолимизнинг 29 йиллик байрами муносабати билан халқимизга табригида ҳам мамлакатимизда "Ўзбекистонда Учинчи уйғониш даври" учун мустаҳкам пойдевор яратилмоқда" ва "Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади", деган даъватлар янграганди. Янги 2023 йил "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" дея номланишида ҳам фалсафий мантиқ-мазмун мужассам.

Айниқса, ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, уларнинг касбий фаолиятига аралашмаслик тўғрисидаги меъёрларни Конституцияда белгилаб қўйиш ташаббуси устозларни беҳад қувонтирди. Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки кунидан бошлаб замонавий билим ва малакага эга кадрларни тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳидаги юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш йўлида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш масалаларига эътибор бериб келади.

Бу бежиз эмас. Чунки ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, жамият ҳаётини ўзгартириш, аввало, таълим тизимидаги ислоҳотлардан бошланади. Ҳа, мактабни ўзгартирмасдан туриб, инсонни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг ишончли пойдевори мактаб экани, мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчи экани аён. Бироқ мустақиллик йилларида таълимга доир юзлаб қонун қабул қилинганига, чора-тадбирлар белгиланганига қарамай, мактаблардаги маънавий муҳит, ўқитувчи касбининг нуфузи пасайиб кетди. Инновацион технологиялар жорий қилиниши суст бўлгани ҳам рост. Булар, шубҳасиз, таълим сифатини яхшилашда, замонавий кадрлар тайёрлашда талайгина тўсиқларни, муаммоларни келтириб чиқарди.

Ўша "оғриқли нуқта"лар инобатга олиниб, Ўзбекистонда кейинги олти йилда таълим тизими, хусусан, мактаб таълимини тубдан ислоҳ қилиш давлат сиёсатида асосий кун тартибига чиқди. Президентимиз халқ таълими тизимига оид ўнлаб фармон ва қарорлар қабул қилди, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тасдиқланди, ҳуқуқий негиз тамомила янгиланди. Ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб, 11 йиллик мактаб таълим тизими тикланди. Бу орқали эса таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясидаги узилишларга барҳам берилди, нуқсонлар камайди.

Шунингдек, мактаб таълимида таркибий ўзгаришлар баробарида мазмун-моҳиятан янги мактаблар очиш саъй-ҳаракатлари бошланди. Юртимиздан етишиб чиққан, дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк боболаримиз Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Темурбеклар мактаби, Президент ва ихтисослаштирилган мактаблар, таниқли ижодкорлар номидаги ижодий мактаблар ташкил этилгани ёшларимизнинг замонавий билим олишида қўшимча қулайликлар яратди.

Янги педагогика институтлари очилди. Наманганда бу йўналишга мўлжалланган университет факультетлари ажралиб чиқиб, институт мақомига эга бўлди.

Ўқитувчилар меҳнати ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан тизимли равишда рағбатлантирилмоқда. Шу муносабат билан Президентимиз Мурожаатномада "Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда", деган пурмаъно иқтибосни келтириб, барча мактаб педагогик жамоаларига мурожаат қилди: "Жондан азиз болаларимиз мактабдан чет тилларни, касб-ҳунар ва компьютер саводхонлигини пухта ўрганиб чиқса, биласизларми, жамиятимиз қандай ўзгаради? Янги Ўзбекистонда мактаб жамоалари ва муаллимларнинг масъулияти — айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади. Ва мен ишонаман — сиз, жонкуяр ўқитувчиларимиз бу вазифани шараф билан уддалайсизлар".

Таълимни сифатли даражага кўтаришни уқтирар экан, давлатимиз раҳбари келгуси йилдан бошлаб бошланғич синфларда янги методикага асосланган дарсликлар билан ўқитиш йўлга қўйилиши ҳақида топшириқ белгилаб, юқори синфларда таълим ва тарбия сифати талаб даражасида эмаслигини танқид қилди. Бу эътироз олимлар, ҳар бир олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилариюю тадқиқотчилари зиммасига ўта масъулият юклайди.

Ҳаётимизни олий таълим тизимисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ҳеч ким инкор этмайди. Ислоҳотлар самараси айнан шу соҳадаги ишларнинг қай даражада йўлга қўйилгани билан чамбарчас боғлиқ. Охирги йилларда шу йўналиш мислсиз ўзгаришларга юз тутди. Олий ўқув юртлари сони кескин кўпайди. Хусусан, 2017-2022 йилларда янги давлат ва хусусий олий таълим муассасалари ташкил қилиниб, улар сони 198 тага, Наманганда эса 3 тадан қарийб 10 тага етди. Муҳими, олий таълимга қабул жараёнларини адолат, шаффофлик ва очиқлик мезонлари асосида ташкил этиш, жамият тамаддунига, ахборот асрига муносиб янги таълим йўналишлари очиш, таълим квоталарини ошириш мунтазамлик касб этмоқда.

Бундан ташқари, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш, амалиётда халқаро тажрибани кенг қўллаш мақсадида хорижий нуфузли таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда. Наманган давлат университетида Россиянинг Герцен номидаги педагогика университети, Урал тиббиёт университети билан биргаликда очилган қўшма тиббиёт факультетлари бунга ёрқин мисолдир. Мухтасар айтганда, шиддатли ислоҳотлар олий таълим олдига ҳам янги-янги вазифаларни қўймоқда. Демак, ҳар қайси олий ўқув юрти хизматчиси юрт тараққиётига муносиб улуш қўшадиган маънавий юксак, замонавий кадрларни тарбиялаш муқаддас бурчи эканини унутмаслиги даркор.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада келгуси йил ва кейинги йиллар учун вазифаларни аниқ-тиниқ белгилаб берди. Масалага шу нуқта назардан ёндашсак, бу ҳужжатни бемалол давримизнинг бош сиёсий дастури деб аташ мумкин. Бу дастурга амал қилиш ва уни бажариш эса юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

НУҚТАИ НАЗАР

# СИФАТЛИ ТАЪЛИМ
## инсоният келажагини белгилайди



**Барно АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент давлат педагогика университети проректори, педагогика фанлари доктори, профессор**

**Аксарият ривожланган мамлакатларда давлат раҳбарининг миллий парламент аъзолари ҳузурида энг асосий ва долзарб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳамда жамиятни демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш тажрибаси мавжуд. Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаси ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеадир. Аввалгиларидан фарқли ўлароқ, бу йил сифатли таълимга эътибор Мурожаатноманинг меҳварини ташкил қилди.**

Юртимизда илмий-нновацион ишларни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, илм-фан билан шуғулланаётганларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими жорий этилгани жаҳон ҳамжамияти томонидан тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Президентимиз Мурожаатномаси орқали нафақат юртдошларимиз, балки дунё аҳли мамлакатимизда эришилаётган ютуқлардан хабардор бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг сўнгги уч йилдаги Мурожаатномаларини таҳлил қилсак, аждодларимиз қолдирган умумбашарий илмий мерос намуналаридан такрор-такрор иқтибос олинганига гувоҳ бўламиз. Президентимиз 2019 йилдаги Мурожаатномасида Имом Бухорийнинг "Ал-жоме ас-саҳиҳ" асаридан иқтибос айтилган бўлса, 2021 йили Абу Али ибн Синонинг "Довюрак ва ботир инсонлар келажакда содир бўладиган қийинчиликлардан қўрқмайди", деган гапини келтирган эди. Охирги Мурожаатномада Юсуф Хос Ҳожибнинг "Заковат бор жойда улуғлик бўлади, билим бор жойда буюклик бўлади", Имом Мотуридийнинг "Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳамиша сен билан бирга бўлгай", деган ҳикматлари эслатилди. Бундай ёндашув нафақат буюк ўтмишимиздан фахрланиш, балки пировардида, илмий тадқиқотларнинг методологик асосини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Буюк аждодларимизнинг мазкур фикрлари ҳар бир инсонни илм-фан билан шуғулланиш, умуман, зиёли мақомига эришишга чақиради. Президентимиз жамиятда ўқитувчилар ва илм эгаларининг мақомини кўтаришни асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаб берди.



Давлатимиз раҳбарининг ўтган йилги Мурожаатномасида жуда кўп статистик маълумотлар келтирилган. Улар илмий соҳада изланиш қилаётганлар учун бирламчи манба бўлиб хизмат қилади. Хусусан, "Бу йил 381 нафар спортчимиз жаҳон ва Осиё мусобақаларида, 43 нафар иқтидорли ва билимдон ёшларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадалари ҳамда танловларида совринли ўринларни қўлга киритгани барчамизни, албатта, қувонтиради. Мана шундай катта ютуқларга эришишда фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган ҳар бир юртдошимизга ўз миннатдорлигимни билдираман", деган сўзларини университет жамоаси меҳнатига ҳам эътибор, деб қабул қилдик. Зеро, ўтган йили Тошкент давлат педагогика университетида бир талабамиз Ўзбекистон Президенти стипендияси ҳамда тўққиз нафари бошқа номдаги давлат стипендиялари совриндори бўлди. Бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан икки баробар кўпайган. Университет талабалари педагогика соҳасидаги халқаро интернет олимпиадаларида бешта совринли ўринни қўлга киритганини ҳам айтиш жоиз.

Тошкент давлат педагогика университети бошланғич таълим бўйича мутахассислар тайёрлаш борасида кўп йиллик тажрибага эга. Президентимизнинг "Келгуси йилдан бошланғич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади. Ҳозирги вақтда улар халқаро экспертизадан ўтиб, ўзимизда синовдан ўтказилмоқда. Лекин юқори синфларда-чи? Очиқ айтиш керак, уларда берилаётган таълим ва тарбия сифати, ўқитувчиларнинг билими ва маҳоратини талаб даражасида, деб бўлмайди", деган фикрларини бевосита университетимиз жамоасига берилган стратегик топшириқ сифатида қабул қилдик. Ҳозир ушбу танқидий фикрлардан келиб чиққан ҳолда, талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш ва ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган методикаларини ишлаб чиқиш, китоб мутоааласига қизиқишни янада кучайтириш, хорижий тиллардан миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга талабалар улушини ошириш бўйича мақсадли ишлар режалаштирилди ва амалга оширила бошланди. Ўтган йили университетимиз томонидан таълим сифати паст, муҳити оғир бўлган 30 та умумтаълим мактаби ўқитувчиларига таълим сифатини ошириш ҳамда ўқитишнинг дидактик имкониятларини кенгайтириш учун Кэмбриж методикаси бўйича сертификатга эга мутахассислар кўмагида илмий-методик ёрдам кўрсатилган эди.

2022 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети юртимиздаги 30 та олий таълим муассасаси қаторида Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ОТМлар таъсирини баҳоловчи THE Impact Rankings халқаро рейтингидан жой олди. 2023 йил учун QS Осиё университетлар рейтингида етакчи ОТМларнинг мингталиги қаторидан ўрин эгаллаганини эслаб ўтиш ўринли.

Бугун Янги Ўзбекистонда тараққиётнинг янги босқичига чиқиш, кўзлаган мақсадларимизга эришиш учун мустаҳкам замин яратилмоқда. Шундай экан, бағрикенг, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг ишончига сазовор бўлиш учун ҳар биримиз бу юксак ишончни амалий ишлар билан оқлашимиз керак. Зеро, бундай ёндашув бизнинг нафақат фуқаролик, балки, энг аввало, она Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимиздир.



РИШТА

**ҚИРҒИЗ ҲАМ, ЎЗБЕК ҲАМ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ҚАДИМИЙ ХАЛҚЛАРДИР. ҲАР БИРИНИНГ ЎЗ ТАРИХИ, БОСИБ ЎТГАН ШОНЛИ ЙЎЛИ БОР. ТАРИХДАН МАЪЛУМКИ, БУ ИККИ МИЛЛАТ ТУРЛИ ДАВРЛАРДА БИР-БИРИГА ЕЛКАДОШ, ҲАМДАМ БЎЛИБ ЯШАБ КЕЛГАН.**






# КУЧИМИЗ — БИРЛИКДА, АҲИЛЛИКДА

**Мўйдинжон АБДУМАЖИДОВ,**
**Қирғизистон Журналистлар уюшмаси аъзоси**

**Ёшим саксондан ошди. Болаликдан то шу кунга қадар топган ва йўқотган дўстларим кўз олдимдан ўтади. Бир кўчада қувлашиб, бир анҳорда чўмилиб, кенг далада юмалашиб, кенг майдонда тўп тепишиб, бирга ўқиб, баҳслашиб, бир бурда нонни бўлишиб еган, ораларидан қил ҳам ўтмаган айрим дўстлар йиллар ўтиб оила қуришгач, узоқлашиб кетган ҳолат ҳам бўлди.**

Қадимги юнон файласуфи Демокритнинг “Қарашлар бирлиги дўстликка олиб келади” деган доно сўзларига амал қилган ҳолда, ўзбек, қирғиз ва бошқа миллатлардан ўзимга садоқатли дўст-биродарлар топдимки, бундан бахтиёрман. Ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан бошқа барча фанларни қирғиз ва рус тилларида ўрганганмиз. Ўшанда қирғиз тилида мақола ёзиб, Бозорқўрғон туманининг “Коммунизм учун” газетасига олиб кирганман. Газета муҳаррири Жолборс Тажибаев самимият билан кутиб олиб, бўлим бошлиғи Шайлообай Мойдинов билан таништирди. У, биз адаш эканмиз, сиз Мўйдинжон, мен Мойдиновман, деди ва иккаламиз қучоқлашиб, айрилмас дўст тутиндик. Туманнинг тоғли қишлоғидан келган Шайлообайни бирга яшаймиз деб уйимизга олиб келдим. Ҳали уйланмаган чоғимиз, иккаламиз бир хонада яшай бошладик. Йиллар ўтиб, Шайлообай Ўш вилояти “Ленин жолу” (ҳозирги “Ош жаңырыгы”) газетасида, кейин “Ленинчил жаш”, “Советтик Кирғизистан” республика газеталарида ишлади. Мен ҳам кейинроқ Ўш вилояти “Ленин йўли” (ҳозирги “Ўш садоси”) газетасига ишга кирдим. Шайлообай Тошкент олий партия мактабига ўқишга борганида ёрдам бўлар деб имкон қадар унга пул юбориб турдим.

У уйланиб, Ўш шаҳридан уй олиб яшай бошлади. Вилоят “Ленин жолу” газетасига муҳаррир бўлганида ҳам ўша самимийлик, камтарлик фазилатларини



йўқотмади. Бир шаҳарда ишлаганим боис, хонадонига бориб, дилдан суҳбатлашар эдик. Умр йўлдоши Айша бизга ҳавас қиларди. Шайлообай туғилиб ўсган қишлоғига у билан кўп марта бирга бориб, ота-онасининг меҳмонга меҳри баландлигини кўрдим. Шайлообай ҳам ўз навбатида ўғил-қизлари билан хонадонимизнинг азиз меҳмони бўлиб турарди.

90-йиллардаги Ўш воқеасида ҳам бир-биримизга меҳр-садоқатимиз ўзгармади. Шайлообайнинг акаси Мендибай ака билан ҳам қадрдон эдик. Мулойим, ширинсўз, камтар бу инсон қатор ҳикоя ва қиссалар ёзиб, китоб чоп эттирди. Унинг айрим ҳикояларини ўзбекчага ўгирдим.

Биз таълим олган билим маскани том маънода байналмилал даргоҳ эди. Таъкидлаганимдай, кўп фанларни қирғиз, рус тилларида ўқиганмиз, чунки ўқитувчи кадрлар етишмасди. Қирғиз, рус болалар билан турли спорт майдонларида бирга бўлиб, қадрдонлашиб кетганмиз. Мактабни тамомлаб, турли касб эгалари бўлсак ҳам, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрашни канда қилмадик. 2009 йили мактабни тамомлаганимизнинг 50 йиллигини ўзимиз ўқиган Бўкўнбаев номли мактабда бирга нишонлаб, Арслонбобда дам олдик. Марҳум мактабдошларни хотирладик. Қирғиз ва ўзбек синфларидан 12 нафар мактабдош ҳар ойда

**ЎТГАН ЙИЛНИНГ БАҲОРИДА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САДИР ЖАПАРОВ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ДАВОМИДА ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ АПОҚ-ЧАПОҚ БЎЛИБ ЁНМА-ЁН ЯШАБ КЕЛАЁТГАНИ, БОЗОРИ БИР, МОЗОРИ БИР, БИР ДАРЁДАН СУВ ИЧГАН ХАЛҚЛАР ЭКАНИНИ, БУНДАН БУЁН БУ ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН ДАДИЛ ҚАДАМЛАР ТАШЛАНГАНИНИ ТАЪКИДЛАДИ.**

учрашишни одатга айлантирдик. Қирғиз дўстларимиз билан ўзаро оилавий борди-келдини узмадик. Яхши ва ёмон кунларимиз бир-биримизсиз ўтмайди. 2010 йил июнь воқеаларида ўзбек дўстларининг оилаларига катта ғамхўрлик қилган Канназар ва Тинибекдан бениҳоя миннатдор бўлдик.

Биз тенги авлод ўтган йиллар мобайнида анча садоқатли дўстларни, мактабдошларни йўқотди. Сўнгги 20 йил давомида маҳалладошларимиздан, бирга ишлаган қадрдонлардан, ўзбек, қирғиз мактабдошларимиздан кўпи оламдан ўтиб кетди. Дўстлар билан ўтган дамлар нечоғлиқ шоду хуррам бўлса, улардан айрилиш қанчалик уқубат эканлиги Абу Абдулло Рудакийнинг қуйидаги мисраларида чуқур ифодаланган:

*Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,*
*Дўстлар дийдоридан*
*бўлолмас устун.*
*Тўлур ғам-ғуссага дилнинг косаси*
*Қадрдон дўстлардан*
*айрилган бир кун.*

Ўйласам, яхши дўстлар улуғ давлат экан. Биз қанча мол-мулк йиғмайлик, унинг ҳаммаси бир вафодор, содиқ дўст ўрнини босмайди. Содиқ дўстларнинг кўп бўлиши ҳар инсоннинг иқболидир. Энг бадавлат киши ким деб сўрасалар, менимча, содиқ дўстлари кўп одамни айтиш керак. Чунки инсон учун дўстлик бебаҳо бойликдир.

Мен каби қирғизлар билан ораларидан қил ўтмайдиган бўлиб қадрдонлашиб кетган юртдошларимиз жуда кўп. Қирғизларга қиз бериб, қиз олган, ўзаро қуда-андалашиб кетган юзлаб оилалар бор. Қирғиз ва ўзбеклар яшаган маҳаллаларда эса иккала миллатнинг урф-одатлари қоришиб кетган. Ўзбеклар асосан, марказларда яшагани боис, уларнинг мол-қўйларини қирғиз чорвадорлари яйловда боқиб берадилар.

Қирғиз ҳам, ўзбек ҳам Марказий Осиёдаги қадимий халқлардир. Ҳар бирининг ўз тарихи, босиб ўтган шонли йўли бор. Тарихдан маълумки, бу икки миллат турли даврларда бир-бирига елкадош, ҳамдам бўлиб яшаб келган.

Ўтган йилнинг баҳорида Қирғизистон Президенти Садир Жапаров Ўзбекистонга ташрифи давомида ўзбек ва қирғиз халқларининг апоқ-чапоқ бўлиб ёнма-ён яшаб келаётгани, бозори бир, мозори бир, бир дарёдан сув ичган халқлар эканини, бундан буён бу қадимий дўстликни янада мустаҳкамлаш учун дадил қадамлар ташланганини таъкидлади.

2021 йил май ойининг сўнгги кунлари “Ўзбекистон — Қирғизистон” дўстлик жамиятининг таклифи билан ўзбек тилида ижод қилаётган бир гуруҳ қирғизистонлик қаламкашлар Тошкент сафарида бўлди. Сафардан ижодкорларимиз катта таассурот билан қайтди. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг Дўстлик саройида бўлдик. Қўмита раҳбари Рустам Қурбонов Ўзбекистонга қўшни бўлган республикалар билан қўшничилик, дўстлик алоқаларини ривожлантириш, мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон раҳбарияти қатор дастурлар ишлаб чиққани ва у амалда бажарилаётганини айтиб, “Икки давлат ва миллат ижодкорларининг ҳамкорлиги халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашда жуда муҳим. Адибларимизнинг бу улуғ ишда олдинги қаторларда бўлишини истаймиз”, деди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтган учрашувда уюшма раиси Сирожиддин Саййид қирғизистонлик ижодкорлар ҳақида илиқ гапларни айтиб, бундан буён ижодий алоқалар кенг қамровли бўлишини, қирғизистонлик ижодкорларнинг ижод намуналарини Ўзбекистонда чоп эттириш ва ўзбекистонлик ижодкорлар асарлари қирғиз тилига таржима қилиниб, Қирғизистонда босилишини ва бошқа маданий алоқалар ҳам ривожланишини таъкидлади.

*Шу Ватан ерида киндик қоним бор,*
*Нонин еб, сув ичган жисму жоним бор.*
*Наслим бор, дўст тутиб*
*ўтган оним бор,*
*Мен учун тенги йўқ моҳитобонсан,*
*Ҳур, озод ва эркин Қирғизистонсан.*

*Мадҳингни куйладим,*
*ашъорлар битдим,*
*Қалбимда борини элимга тутдим,*
*Дўстлик байроғини қўлимда тутдим,*
*Мўйдинга ҳам ошён азиз Ватансан,*
*Мустақил ва эркин Ўзбекистонсан...*

Истагим шуки, қирғиз ва ўзбек халқларининг ҳақиқий дўстлиги уммонлардан чуқурроқ, тоғ чўққиларидан баландроқ, олтиндан қимматлироқ, пўлатдан мустаҳкамроқ, бўрондан кучлироқ бўлиши керак. Шунда дўстлигимизга, биродарлигимизга ҳеч ким рахна сололмайди.

БОҚИЙ МЕРОС

# БАХШИЛАРИНИ АРДОҚЛАГАН ЮРТ



**Яқинда Туркий дунёнинг туризм пойтахти мақомини олган Қўқон шаҳри яна бир катта тадбир — Ўзбекистон бахшиларининг ижодий гастроль сафарига мезбонлик қилди.**

Айтиш жоизки, инсоният яратган ноёб маданият дурдоналари ҳар бир миллатнинг фольклор санъатида мужассамлашган. Турли халқларнинг миллий ўзлигини, тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати ҳам умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида жуда қадрли. Халқ ижодиёти оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб сайқалланаётган, тобора тараққий топаётган ижод маҳсули экан, бундай тадбирларнинг аҳамияти ҳам катта бўлади.

Шу маънода, бугун ташкил этилган бахшичилик мактаблари асосан, ўтмишдаги бахшилар авлодлари тарихини ўрганиш, мавжуд достонларни қайта тиклаш билан бирга, ҳозирги даврда ижод қилаётган бахшиларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, келгуси авлод учун муносиб ёш бахшиларни тайёрлаш вазифасига хизмат қилмоқда.

Қўқон шаҳрига сафар доирасида “Бахшичилик санъатида Устоз-шогирд анъаналари” мавзусидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтгани ҳам бунинг амалдаги ифодасидир. Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ бахшилари, соҳа вакилларининг барчаси бахшичилик санъати борасида амалга оширилган ишлар юзасидан самимий, илиқ фикрлар билдирди.

— Қўқон жуда кўп нуфузли тадбирларга гувоҳ бўлган. Лекин бахшичилик доирасидаги тадбирнинг ўтказилиши ўзига хос бир воқелик дейиш мумкин. Бахшичиликнинг ҳам ўзига хос йўналишлари бўлар экан. Бу борада таниқли бахшилар, профессорлардан кўплаб маълумотлар олдик. Қувонарлиси, бахшилар чиқишлари ҳеч қандай изоҳсиз ҳам тушунарли бўлди. Бу санъатдан хабари бўлмаганлар учун ҳам тадбир ғоят қизиқарли ўтди. Айниқса, унда қатнашган вилоятимиздаги мусиқа мактаблари ўқувчилари ҳаётида бу алоҳида ўрин тутган бўлса, ажабмас. Бахшичилик йўналишида вилоятимизда ҳам устоз-шогирд анъаналарини ривожлантирамиз, — деди Фарғона вилоят маданият бошқармаси таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бош мутахассис Феруза Умарова.

Ижодий гастроль концертида, айниқса, Ўзбекистон халқ бахшилари Шодмон Хўжамбердиев, Маҳматмурод Ражабов, Очил Чоршанбиев, Сафар Шайдилов, “Зулфия” номидаги давлат мукофоти совриндори Еркинай Оринбаева ва Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти талабаси Умида Турсинбаева, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти Фарғона минтақавий филиали магистранти Гулирухсор Жўраеванинг достонлардан парча ва термалар ижро этгани йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, Ўзбекистон давлат филармонияси ва “Ўзбекконцерт” давлат муассасалари хонанда ва жамоалари ҳам ўз чиқишлари билан иштирок этди.

Ўзбекистон халқ бахшиси Сафар Шайдилов таассуротларини шундай ўртоқлашди:

— Бу сафарнинг мен учун тарихий бўлгани шундаки, водийга ҳеч бормагандим. Бир томондан шу ёқларни кўриб келаман деб хурсанд бўлдим. Бошқа томондан биз шевада ижро қилсак, водийликлар бизни тушунармикан, деб ўйланиб қолдим. Хайриятки, водий аҳли ҳам бахшичиликка жуда қизиқар экан. Бизни яхши тушуниб, ижодимизга катта қизиқиш билдирди. Ўтган йили Андижондаги қўғирчоқ театрида халқ бахшиси Очилди бахши маҳорат дарслари ўтиб келганди. Миродил исмли бир бахши етишиб чиқибди. Дўмбирани чертиб, ички овозда Ватан ҳақидаги бир термани айтиб берди. Тўғри, ҳали камчиликлари бор. Лекин унинг ижросидан Сурхондарё, Қашқадарё бахшичилик йўналишининг руҳи сезилиб турибди. Энди Андижонда ҳам ёш бахшилар — унинг шогирдлари бўлади. Президентимиз айтганидек, бахшини, достонларни эшитиб улғайган бола ҳеч қачон ёмон йўлга юрмайди. Аксинча, достон қаҳрамонларига тақлид қилиб, ватанпарвар бўлади.



**РЕСПУБЛИКА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ҚЎҚОН ШАҲРИДАГИ ТАДБИРЛАРДАН ТАШҚАРИ, АНДИЖОН ВА НАМАНГАН ВИЛОЯТЛАРИДА ҲАМ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОКИДА УЧРАШУВЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Тадбир доирасида Республика бахшичилик санъати маркази томонидан Қўқон шаҳридаги тадбирлардан ташқари, Андижон ва Наманган вилоятларида ҳам соҳа мутахассислари иштирокида учрашувлар ташкил этилди.

Сафар бахшининг айтишича, Наманганда меҳмонларни кўтаринки кайфиятда кутиб олишган. Юнус Ражабий номидаги миллий мусиқа санъати институтининг 3-курс талабаси Сайёра Султонованинг онаси Сабоҳат Алимованинг ҳаяжонларидан ҳам буни ҳис қилиш мумкин.

— Бахшичилик фестивалларида қатнашиш учун қизим билан Термизга, Бўзатовга боргандик. Наманганга бахшиларнинг келиши одамларимизни руҳлантириб юборди. Катта зал тўла томошабинлар уларни олқишлаганида, вилоятимиз маданият бошқармаси вакили қизим билан фахрланганида, фарзандимнинг шу санъат сирларини ўрганаётганидан ғурурланиб кетдим. Энг муҳими, Намангандаги 11-мусиқа мактабида биринчи бахшичилик синфи очиладиган бўлди. Қизим олийгоҳни тамомлаб келса, муносиб шогирдлар тайёрлашига умид билдиришди.

Тадбирлар жараёнида бахшичилик санъатини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон халқ бахшилари иштирокида Болалар мусиқа ва санъат мактабларидаги бахшичилик синфларида фаолият юритаётган ўқитувчилар учун маҳорат дарслари ҳамда бахшичилик санъатига қизиқувчи аҳоли ва ёш ижодкорлар учун “Достон кечаси” ташкил этилди.

Бахшичилик санъати халқ оғзаки ижодининг гўзал ва бетакрор намунаси. У мамлакатимизда минг йиллар давомида ривожланиб, баланд чўққиларга кўтарилди. Бу санъат юртимиздаги турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш йўлида беминнат хизмат қилиб келди ва бугунги кунда ҳам бу шарафли вазифани тўла адо этмоқда.

**Муяссар ТУЛЯЕВА,**
**Республика бахшичилик санъат маркази “Устоз-шогирд мактаби” бўлими кичик илмий ходими,**
**Мунoжат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-146.
14144 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 03:00 Топширилди — 03:35